

Жисмоний шахс VISA картасига хизмат кўрсатиш ҳақида ШАРТНОМА

20__ йил “__” _____

№ _____

_____ шаҳри

“Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банкининг _____ филиали (кейинги ўринларда – Банк) бошқарувчиси _____ Низом ва Ишончнома асосида фаолият юритиб, бир томондан, ва жисмоний шахс _____ (кейинги ўринларда – Мижоз), иккинчи томондан, мазкур Шартномани куйидагилар ҳақида туздик.

1-§. Шартнома предмети

1. Мижоз томонидан VISA карта воситасида бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ва сотиб олинган товар учун тўловни амалга оширишда Банк томонидан хизмат кўрсатилиш жараёнидаги Банк ва Мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади.

2. VISA карта Мижозга савдо ва сервис хизмати кўрсатиш жойларида товар ва хизматлар учун тўловни амалга ошириш ҳуқуқини беради.

3. VISA карта Мижоз томонидан жисмоний шахс VISA картаси олиш учун ариза тўлдирилган ва Банк тарифига мувофиқ VISA картадан фойдаланиш учун дастлабки бадал тўлангандан сўнг муомалага чиқарилади.

4. VISA карта амал қилиш муддати давомида Банк мулки ҳисобланади, у амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки алмаштирилганда ёхуд Банк талаби бўйича Банкка қайтарилиши лозим.

2-§. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари

5. Банк куйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Мижоз томондан ушбу Шартнома ва VISA картадан фойдаланиш қоидалари бузилганда VISA картанинг амал қилишини тўхтатиш;

б) Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида ҳамда “VISA International” халқаро тўлов тизими қоидаларида белгиланган ҳолатларда VISA картанинг амал қилишини тўхтатиш;

в) Мижоз томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилганда Банкка етказилган зарарни ундириш;

г) Банк тарифига бир томонлама ўзгартириш киритиш;

д) суғурта депозити миқдорини бир томонлама ўзгартириш;

е) “Mobile banking” хизмати учун ҳар ойда комиссия тўловини Мижоз ҳисобварағидан, унинг аризасига кўра, акцептсиз тарзда ундириш;

ё) VISA карта ёпилгунга қадар йиллик абонент тўловини ундириб бориш.

6. Банк куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) Мижозга, у томонидан VISA карта олиш учун ариза берилгандан сўнг, VISA карта махсус ҳисобварағи очиш;

б) Мижозга унинг талаби бўйича VISA карта махсус ҳисобварағининг ҳолатига оид кўчирмани тақдим қилиш;

в) Мижоздан VISA картанинг йўқотилганлиги тўғрисида ариза олингандан сўнг 24 соат ичида ушбу VISA карта бўйича операциялар амалга оширилишини тўхтатиш;

г) Мижознинг VISA карта махсус ҳисобварағига маблағ ўтказилган пайтдан бошлаб 1 (бир) банк иш куни ичида VISA карта балансини тўлдиришни амалга ошириш;

д) Мижозга мазкур Шартнома шартлари ва Банк тарифларининг ўзгартирилиши ҳақида хабар бериш.

7. Мижоз куйидаги ҳуқуқларга эга:

а) VISA карта махсус ҳисобварағига маблағ ўз вақтида кирим қилинишини Банкдан

талаб қилиш;

б) VISA карта махсус ҳисобварағини ўзи ёки ўзи ваколат берган шахс томонидан тўлдириш;

в) VISA карта муддати тугагач уни қайта эмиссия қилишга ариза бериш;

г) қўшимча VISA карта чиқариш учун ариза бериш;

д) VISA карта қолдиғи тўғрисида маълумотни олиш (Мижоз телефон орқали мурожаат қилганда “сўзлашув пароли”ни айтиши лозим).

8. Мижоз ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) VISA картани олгандан сўнг унинг ПИН-коддини ўзгартириш ва ўз ПИН-коддини бегона шахсларга ошкор этмаслик;

б) Банк тарифлари асосида VISA картага хизмат кўрсатиш бўйича Банкнинг барча хизматлари учун тўловни амалга ошириш;

в) VISA карта қолдиғида қарздорлик вужудга келишини олдини олиш;

г) VISA карта қолдиғида қарздорлик юзага келган тақдирда 10 (ўн) банк иш куни давомида қарздорликни қоплаш;

д) VISA карта йўқотилган тақдирда зудлик билан Банкка мурожаат қилиш (Мижоз телефон орқали мурожаат қилганда “сўзлашув пароли”ни айтиши лозим).

3-§. Томонлар жавобгарлиги

9. Банк қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланмайди:

а) Мижоздан ижозат олмай учинчи шахс томонидан ПИН-код орқали VISA карта ишлатилганлиги учун;

б) Банкнинг назорат ваколоти доирасидан ташқари бўлган бошқа банклар томонидан VISA карта қабул қилинмаганда.

10. Мижоз қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

а) агар VISA карта йўқотилган бўлса, Мижоз бу ҳақида Банкка ёзма мурожаат қилингунга қадар ва ёзма мурожаат қилгандан кейинги 24 соат давомида ўтказилган барча транзакциялар бўйича;

б) Банкка тақдим этилаётган барча маълумотларнинг ҳақиқийлиги бўйича.

4-§. Шартноманинг амал қилиш муддати

11. Мазкур Шартнома 3 (уч) йиллик даврга тузилди. Агар ушбу муддат тугашидан энг камида бир ой олдин томонлардан ҳеч ким мазкур Шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма тарзда хабар бермаган бўлса, унинг муддати кейинги даврга узайтирилган ҳисобланади.

12. Шартнома уни томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

13. Шартнома бекор қилинганда ёки VISA картадан фойдаланиш муддати тугаганда, Мижоз VISA картани Банкка қайтариб бериши шарт.

5-§. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш

14. Банк ушбу Шартнома шартларига, Мижозни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, ўзгартириш киритишни таклиф қилиши мумкин. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга оид битим уни ҳар икки томон имзолангандан сўнг кучга киради.

6-§. Шартномани бекор қилиш

15. Томонлар ушбу Шартномани, бир-бирларига бир ой олдин ёзма хабар берган ҳолда, бекор қилиши мумкин.

16. Шартнома Мижознинг ташаббусига кўра бекор қилинганда, у ушбу Шартнома бекор қилингунга қадар ва бекор қилингандан кейин VISA картани Банкка қайтармаса, ўтказилган барча транзакциялар бўйича тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

17. Шартнома бекор қилинганда Банк Мижознинг VISA карта махсус ҳисобварағини

ёпади, ундаги қолдиқ суммани Мижознинг аризасига кўра нақд пулда беради.

7-§. Низоларни ҳал қилиш

18. Барча келишмовчилик ва низоларни томонлар музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида томонлар ўзаро келишувга эриша олмаган тақдирда, низо Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

8-§. Яқуний қоидалар

19. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди, унинг бир нусхаси Банкда, иккинчи нусхаси Мижозда сақланади.

20. Шартномага мувофиқ тарзда ёки унга боғлиқ ҳолда юборилган барча хат ва хабарномалар ёзма тарзда расмийлаштирилган бўлиши шарт ва улар томонларнинг қуйида кўрсатилган манзиллари бўйича буюртма хат орқали юборилган ёки шахсан етказилган ҳамда уларни олганлик тўғрисида тасдиқнома мавжуд бўлса, улар белгиланган тартибда тақдим этилган ҳисобланади.

21. Шартнома билан белгиланмаган барча ҳолатларда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда иш олиб боради.

9-§. Томонлар манзили, реквизити ва имзолари

Банк:	Мижоз:
Манзили: _____	Манзили: _____
Тел.: _____ Факс: _____	Телефон: _____
Банк коди: _____	Паспорт, серия _____ № _____
Банк ҳисобварағи: _____	Қачон ва ким томонидан берилган _____
СТИР: _____	_____
Бошқарувчи: _____	(имзо)
Мухр ўрни _____	